

3-10-2020

ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНТЕГРАТИВ МОДЕЛИ

Қудратжон Қодиржонович Иноқов
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Иноқов, Қудратжон Қодиржонович (2020) "ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНТЕГРАТИВ МОДЕЛИ," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2
: Iss. 3 , Article 95.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss3/95>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНТЕГРАТИВ МОДЕЛИ

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 3 сон

ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНТЕГРАТИВ МОДЕЛИ

Иноқов Қудратжон Қодиржонович,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Мазкур мақолада оила ва мактаб ҳамкорлигини таъминлашга доир интегратив моделнинг мазмуни ва компонентлари ёритиб берилган. Муаллиф томонидан оила ва мактабнинг ҳамкорликдаги фаолиятини интеграциялаш йўналишлари, оила ва мактаб интеграциясининг педагогик таъминоти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари, ҳамкорлик жараёнида ўқувчиларда ижтимоий компетентликни ривожлантириш тузилмаси ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: оила, мактаб, интеграция, ҳамкорлик, таълим, тарбия, сифат, модел, мезон, кўрсаткич, тузилма.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, республикамизда таълим-тарбия сифатини бошқаришда ҳамкорлик муҳитини ташкил этиш, ўқувчиларнинг ижтимоий интеллектини ривожлантиришда оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу мақсадда 1993 йилда ишлаб чиқилган “Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” Концепцияси ишлаб чиқилиб, ёшларни истиқлол ғояларига садоқатли, маънавий баркамол, ватанпарвар этиб тарбиялашда кенг жамоатчилик фаолиятини мувофиқлаштириш борасида маълум натижаларга эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ўқувчи шахсини ҳар томонлама камол топтириш, таълимни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш, таълим тизимини бошқаришда давлат ва жамоатчилик бошқарувини уйғунлаштириш муҳим вазифалар сифатида белгиланди. Зеро, таълим-тарбияни такомиллаштиришда ҳам давлат бош ислохотчидир. Биринчидан, ёш авлодга ўзликчимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шакланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни сингдириш; иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хурфикрликдан қатъий назар ёшларни жипслаштирадиган, халқимиз ва давлатимиз дахлсизлигини асрайдиган фуқаролари орасида миллий мафкуравий тарбия ишларини такомиллаштириш “Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” Концепциясининг асосий мақсадидир. Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар “Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” йўналишидаги бола тарбиясида оила, ота-она, маҳалла, мактабнинг асосий вазифаларини мазмунан янгилаб ҳаётга татбиқ этишни тақозо қилади.

Мазкур вазифаларнинг давомийлигини таъминлаш ва уларнинг ишларидаги ривожлантиришни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги 175-сон қарорига кўра “Баркамол авлод тарбиясида оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги концепцияси” қабул

қилинди[1]. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги Жамоат кенгаши фаолиятига асос солинди.

Мазкур қарор билан, тўрт йўналишдан иборат “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги Жамоат кенгашининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳузуридаги “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги ҳудудий жамоат кенгашларининг намунавий таркиблари, шунингдек, Жамоат кенгашининг дастлабки, йиғилиши қарори билан Жамоат кенгашининг Низоми тасдиқланган.

Айни вақтда Халқ таълими вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралардан таркиб топган Жамоат кенгаши, шу билан бирга 14 та ҳудудий халқ таълими бошқармалари, 193 та Халқ таълими туман (шаҳар) бўлимлари ва 9692 та умумтаълим мактаблари ҳузурида “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги ҳудудий Жамоат кенгашлари йиллик режа асосида фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудий Жамоат кенгашлари жойлардаги 14 та вазирлик ва идораларнинг қўйи бўғинлари ҳамда республикадаги жами 1556 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (143 та академик лицей, 1413 та КХК) ва 9764 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ҳузуридаги Жамоат кенгашлари 22 нафар аъзолардан иборат тарзда шакллантирилган бўлиб, давлат бошқарув органлари ва жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорлигини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

Жамоат кенгашининг Низомидан келиб чиқиб, Жамоат кенгашининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

1. Ота-она, маҳалла ва таълим муассасаларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, шу орқали ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, ўзаро муносабати ва масъулиятини кучайтириш.

2. Жамоат кенгашлари фаолиятини методик таъминлаш, таълим муассасаларидаги таълим-тарбия сифатини ўрганиш ва уларни янада такомиллаштиришга оид тадбирларни амалга ошириш.

3. Вояга етмаганларнинг қаровсизлиги ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни олдини олиш, ёшларни турли ёғ ғоялар таҳдидидан ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш.

4. Ўқувчиларни дарс жараёнига тўлиқ жалб этиш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш.

5. Маънавий-маърифий тадбирлар орқали юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, айниқса, таълим тизимидаги ислохотлар ҳақида ўқувчилар, ота-оналар ва кенг жамоатчиликни узвий хабардорлигини таъминлаш.

6. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Тадқиқот доирасида оила ва мактаб интеграциясини таъминлаш ҳамкорлик педагогикасининг атроф-муҳитни педагоглаштириш йўналишининг муҳим вазифаси сифатида белгиланди.

Оила ва мактабнинг ҳамкорликдаги фаолияти мураккаб кўринишга эга бўлиб, тадқиқотда мазкур жараён самарадорлигини оширишнинг педагогик таъминотини

Ижтимоий буюртма: ўқувчи шахсини ижтимоийлаштиришнинг асосий субъектлари сифатида ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ўзаро

Методологик блок	Мақсад: оила ва мактаб интеграциясининг педагогик таъминотини яратиш				
	Вазифалар	Ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ҳамкорлигини йўлга йўлга қўйиш	Ўқувчи шахсини яхлит ривожлантириш мақсадида ўқитувчилар ва ота-оналарнинг биргаликдаги фаолияти ва юзага келадиган қийинчиликларни таҳлил этиш	Педагогик интеграция субъектларида билиш фаоллиги, турфа хил қизиқишлар, масъулият ҳисси, ўз-ўзини назорат қилиш, ҳурмат ва сабрликни ривожлантиришга эришиш	
Амалий блок	Босқичлар и	1. Мотивацион. 2. Коммуникатив-фаолиятли. 3. Когнитив. 4. Рефлексив			
	Мазмуни ва ташкилий шарт-шароитлар	1. Интерфаоллик (таълим жараёнининг асосий субъектлари сифатида ўқитувчи ва ота-оналарнинг ўзаро биргаликдаги фаолияти). 2. Маданият билан уйғунлик (ижтимоий-маданий муҳити, шунингдек, ўқитувчи ва ота-оналарнинг педагогик маданияти). 3. Лойиҳалаш (таълим муҳитининг ўзига хосликлари билан алоқадорликда таълим муҳитини лойиҳалаш). 4. Мажмуавийлик (интеграция жараёни иштирокчиларида интегратив қобилиятларни шакллантиришнинг ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олиш)			
Баҳоловчи-натижавий	Мезонлари	Мотивацион	Коммуникатив-фаолиятга доир	Когнитив	Рефлексив
	Кўрсаткичлари	Интеграцияга ўқитувчилар ва ота-оналарнинг интилиши	Ўқитувчилар ва ота-оналарнинг педагогик нуқтаи назарларининг	Ўқитувчилар ва ота-оналарнинг педагогик интегратив фаолиятнинг	Мазкур жараёни такомиллаштириш учун ўқитувчилар ва ота-оналарнинг фаолиятини

	ва ижобий муносабати	г мослиги, шунингдек, уларнинг ҳамкорликда интегрatív фаолиятни лойиҳалаш ва амалга ошириши	назарий асосларини ўзлаштириши	интеграциялаш моделини амалга оширилиш даражасини таҳлил қилиш
Даражалар и	Юқори, ўрта, паст			
Натижа	Ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ҳамкорликдаги фаолиятини интеграциялаш жараёнининг педагогик таъминоти яратилди			

1-расм. Оила ва мактабнинг ҳамкорликдаги фаолиятини интеграциялаш модели

Мотивацион босқичда интеграция жараёнини ўқитувчи ва ота-оналар томонидан тўғри англаниши учун педагогик шарт-шароит яратилади ва “интеграция – бу интегрatív фаолият учун зарур шарт-шароитларни акс эттирувчи шахсий сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитувчи ва ота-оналарнинг педагогик муносабатларининг янги даражаси”, деган тушунча қарор топтирилади.

Коммуникатив-фаолиятга йўналтирилган босқич ўқитувчи ва ота-оналарнинг ўзаро фаолиятини уйғунлашуви, шунингдек, оила ва мактабнинг педагогик вазифаларининг ўзига хослиги, уларнинг педагогик имкониятларининг юқори эканлигини англашига имкон беради. Шунинг учун коммуникатив-фаолиятга йўналтирилган босқичда ўқитувчи ва ота-оналарнинг таълим муассасасининг стандарт талаблари доирасида интегрatív педагогик фаолиятини ҳамкорликда лойиҳалаш ва амалга ошириш, шунингдек, мазкур фаолият натижалари асосида ўқитувчи ва ота-оналарнинг муаммоларини ўзаро биргаликда ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Когнитив босқичда интеграцион жараён субъектларида интеграция феномени, унинг тузилиши, мазмуни, шунингдек, мазкур жараённи самарали амалга ошириш шарт-шароитлари ҳақидаги қуйидаги билимларни таркиб топтириш талаб этилади: ўқитувчи ва ота-оналарнинг педагогик интегрatív фаолиятнинг назарий асосларини ўзлаштириши; оила ва мактаб интеграциясининг педагогик таъминоти яратиш тизими ҳақидаги тасавурларини шакллантириш ва ривожлантириш; ўқитувчи ва ота-оналарнинг тарбиянинг самарали техника ва технологияларини ўрганиши.

Оила ва мактаб интеграцияси педагогик таъминотининг муҳим босқичи рефлексия билан боғлиқ бўлиб, ўқитувчи ва ота-оналар ўзларининг педагогик фаолиятининг самарадорлигини таҳлил этишади, қийинчиликлар, муаммолар ва юзага келиши мумкин бўлган хатарларни аниқлаштиришади. Шунини қайд этиш лозимки, рефлексив тажриба ўқитувчи ва ота-оналар учун алоҳида-алоҳида таркиб

топтирилиши ёки жамоавий, яъни махсус ташкил этилган таълимий муҳитда амалга оширилиши мумкин. Рефлексив босқичнинг натижалари узлуксиз мустақил таълимга бўлган эҳтиёжларни аниқланиши, шахсий педагогик маданиятни ривожлантиришнинг имкониятини аниқланиши, педагогик интеграция жараёнининг муҳимлигини тушуниб етилишида ўз аксини топади(1-жадвалга қаранг).

Яна бир жиҳатни таъкидлаб ўтиш лозимки, таклиф этилган модел инвариант таркибий асосларга эга бўлиб, барча босқичларда уни оиланинг ўзига хосликлари (таркиби, ижтимоий ҳолати, тарбиявий имкониятлари, диний мансублиги) билан боғлиқликда амалга оширилиши мумкин.

1-жадвал

Оила ва мактаб интеграциясининг педагогик таъминоти самарадорлигини баҳолаш мезонлари

Босқичлари	Мезонлар
Мотивацион	Интеграция - таълим жараёнига ўқитувчи ва ота-оналарнинг ижобий-эмоционал муносабати, замонавий мактаб учун интеграция жараёни зарурлигининг ижтимоий аҳамиятининг аниқланиши
Коммуникатив-фаолиятга доир	Ўқитувчи ва ота-оналарнинг ўз педагогик фаолиятининг ўзига хосликларини аниқ кўра олиши; ўзаро тарбиявий имкониятларини бирлаштира олиши; ҳамкорликда таълим-тарбия жараёнини амалга ошириши; таълим жараёнидаги ижтимоий-маданий муҳит билан боғлиқликда педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш
Когнитив	Назарий ва методик билимларнинг тўлиқлиги; ўқитувчи ва ота-оналарда интеграция тизими ҳақида тасаввурларнинг шаклланиши
Рефлексив	Таълим амалиётини таҳлил этиш, педагогик муаммоларни аниқлаш, қийинчиликларни бартараф этишга доир педагогик фаолиятни лойиҳалаштириш, педагогик мақсад ва вазифаларни муваффақиятли бажариш, ўқитувчи ва ота-оналарнинг таълим-тарбия жараёнида йўл кўядиган хатоларининг аниқлаши; рефлексив қадамлар кетма-кетлигини аниқлаштириш

Оила ва мактаб интеграциясини педагогик таъминотини амалга ошириш босқичлари, ҳар бир босқич самарадорлиги мезонларини аниқлаш орқали шунга амин бўлиндики, уларнинг ҳар бири хусусий шкала бўйича ўлчаниши ва баҳоланиши лозим. Уларнинг ҳаммаси учун умумий шкала сифатида натижаларни даражавий тавсиф асосида таҳлил этиш имконияти аниқланди: юқори, ўрта ва паст. Оила ва мактаб интеграциясининг мураккаблиги ва кўп ўлчамга эгаллигини ҳисобга олиб, ҳар бир даража учун кўрсаткичлар аниқлаштирилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Оила ва мактаб интеграциясини таъминлаш босқичларини амалга ошириш самарадорлиги кўрсаткичлари

Даражаси	Оила ва мактаб интеграциясини таъминлаш босқичлари			
	Мотивацион	Коммуникатив-фаолиятга доир	Когнитив	Рефлексив
Юқори	Ўқитувчи ва ота-оналарда интеграция жараёнига касбий ва шахсий мотивация мавжуд, таълим-тарбия жараёнини бирга амалга ошириш лозимлигини тушунишади	Интеграцияни амалга оширишга ижодий ёндашув, таянч педагогик қобилиятлар шаклланган, касбий-педагогик ўз-ўзини ривожлантиришга йўналган	Оила ва мактаб интеграциясига доир назарий билимларга эга, назарий тасаввурлар асосида биргаликда тадбирларни лойиҳалаштиради	Мустақил рефлексив таҳлил кўникмасига эга, проекция, идентификация, эмпатия механизмлари шаклланган
Ўрта	Ўқитувчи ва ота-оналарда интеграция жараёнига ижтимоий мотивация мавжуд, таълим-тарбия жараёнини бирга амалга ошириш лозимлигини тўлиқ тушунишмайди	Методик тавсияларга асосланган ҳолда интеграцияни амалга оширади, айрим педагогик қобилиятлар шаклланган, интегратив вазифаларни ҳал этишда қийинчиликларга дуч келади	Оила ва мактаб интеграциясига доир назарий билимларга эга, назарий тасаввурлар асосида биргаликда тадбирларни қисман лойиҳалаштиради	Педагогик фаолият рефлексиясини тайёр намуна асосида амалга оширади, ҳамкорликка тайёргарлик даражаси етарли эмас

Қуйи	Ўқитувчи ва ота-оналарда интеграция жараёнига прагматик мотивация мавжуд, жараённи бирга амалга ошириш истаги мавжуд эмас	Ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишга тайёр эмас, педагогик қобилиятлар шаклланмаган, биргаликда тадбир ва машғулотларни ташкил этишга қийналади	Оила ва мактаб интеграциясига доир назарий билимларга эга эмас, интуитив тасаввурлар асосида биргаликда тадбирларни қисман лойиҳалаштиради	Ўзининг педагогик фаолиятини таҳлил қилишга қийналади, ўз-ўзини адекват баҳолай олиш қобилияти мавжуд эмас
-------------	---	--	--	--

Оила ва мактаб интеграциясини таъминлаш орқали ўқувчиларда ижтимоий компетентлиқни ривожлантиришга эришилади.

“Компетенция” маълум бир компетентлиқ контекстида қўлланиладиган аниқ фаолият соҳасидаги кўникма ва малакаларни ўзида ифода этади. Компетентлиқ эса, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни амалий фаолият тажрибасига айлантириш, кундалик жараёнда қўллай олиш лаёқатини билдиради.


Ижтимоий компетентлиқ қуйидаги ўзига хосликларга эга:

1. шахснинг масъулиятни ўз зиммасига олиши, ҳамкорликда қарорлар қабул қилиш ва уни амалга оширишда иштирок этиши, турли эномаданият ва динларга толерант муносабатда бўлиш, жамият эҳтиёжларини тўғри англай олиш қобилияти;
2. замонавий ишбилармонлик дунёсида муваффақиятли ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган таянч компетенция;
3. кундалик ҳаётида ҳар бир кишининг олдида турган вазифалар ва мавжуд амалий кўникмалар ўртасидаги тенгликнинг таъминланиши;
4. ижтимоий компетентлиқ – фаол фуқаролик позицияси ва ижтимоий маданиятлараро ҳамкорликнинг ўзида акс эттирувчи мураккаб тушунча.

Мазкур ўзига хосликлардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот доирасида ижтимоий компетентлиқ шахсий тажрибага таянган ҳолда соицумда мавжуд ҳаракат тизимини тавсифловчи ишончли ва конструктив хулқ-атворда намоён бўладиган ижтимоий ўзаро биргаликдаги ҳаракат соҳасидаги компетенциялар йиғиндиси сифатида талқин қилинди. Демак, ижтимоий компетентлиқ – инсоннинг социумдаги фаоллиги ва шахснинг субъектив тажрибасини намоён қилишга имкон берувчи интеграллашган ижтимоий сифатлар тавсифидир.

Ижтимоий компетентлиқ тавсифи инсон ўзаро биргаликдаги ҳаракат жараёнида намоён қиладиган шахсий аҳамиятли ижтимоий сифатларни ҳам ўзида акс эттиради. Шахсда ижтимоий компетентлиқнинг шаклланганлик даражаси бевосита унинг субъектив тажрибасига боғлиқ. Субъектив тажриба инсон онгида акс эттириш йўли билан объектив дунё ва ижтимоий амалиёт қонунларини фаол амалий англаниши натижасида таркиб топади.

Жараёни ёндашув нуқтаи назаридан ижтимоий компетентлиликни шакллантириш ўзида фаолиятнинг ўзаро алоқадор ва боғлиқ фаолият йиғиндисини ифода этади. Ижтимоий компетентлиликни шакллантиришга йўналтирилган ҳамкорлик жараёни ўзида қуйидагилар акс эттиради: мақсад ва қутиладиган натижаларни аниқлаштириш, мазкур мақсадларнинг жамият ва шахс талаблари билан ўзаро алоқадорлиги; зарур ресурслар, натижага эришиш метод ва воситаларни танлаш; мониторинг жараёни, коррекция, ижтимоий компетентлиликни шакллантириш бўйича олинган натижаларни таҳлил этиш (2-расмга қаранг).



2-расм. Ҳамкорлик жараёнида ўқувчиларда ижтимоий компетентлиликни шакллантириш тузилмаси

Ҳамкорлик жараёнида ўқувчиларда ижтимоий компетентлиликни шакллантириш тузилмаси мақсадга йўналтирилган, фаолиятга доир ва натижавий-коррекцион компонентларни ўзида акс эттириб, динамик тавсифга эгадир. Динамик жиҳат оила ва мактаб интеграцияси асосида ўқувчиларда ижтимоий компетентлиликни шакллантиришнинг интерфаол биргаликдаги ҳамкорлик фаолиятда ўз аксини топган.

References:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги “Баркамол авлод тарбиясида оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги концепцияси”ни тасдиқлаш тўғрисидаги 175-сонли Қарори.
2. Иноятлов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления и контроля качества образования в профессиональном колледже: Дисс. ... докт. пед. наук.-Т.: 2004. - с. 247.
3. Нестерова В.В. Педагогические условия организации сотрудничества детей и взрослых в жизнедеятельном пространстве дополнительного образования: дис. ... кан. пед. наук. – Ростов-на-дону, 2004. – 204 с.
4. Рунова Т.А. Развитие младших школьников со сверстниками и учителем в условиях формального и неформального общения: дис. ... канд. психологич. Наук. – Нижний Новгород, 2004. – 193 с.
5. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. –Т., 2016. – 314 б.

**ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES**

1	Гелийсимон атомларнинг тўла энергиясини “ғалаёнланиш методи” ёрдамида ҳисоблаш. Тохиржонов М, Махмудов А, Мамажонов Н, Сайдалиев Э, Иноятов Ш.....	3
2	Differential games of the second order with integral constraints Samatov B.T, Inomididinov S.N, Umaraliev N.T, Uralova S.I.....	8
3	On weakly periodic ground states for the sos model Абраев Б.....	14
4	Асимптотические свойства полупараметрических оценок от квантильных функции в модели случайного цензурирования с двух сторон Холмурадов Ф.М.....	21
5	Приближённое решение нелинейных систем уравнений в математических пакетах Имомов А.....	28
6	Изучения методов регистрации радиоактивных излучений и частиц в курсе физики в средних школах Якубова Ш.Қ, Юлдашева Ш.А, Тошқўзиев Р.А.....	33
7	Решение задачи распределения управляемых ресурсов сил с помощью квадратичного закона ланчестера при конфликтных ситуациях Каримов Н.М	38
8	Модификацияланган сименс-расмуссен тенгламаси ёрдамида оғир ионларнинг марказий тўқнашувларида пайдо бўладиган адронларнинг инвариант p_t -спектрининг таҳлили. Олимов Х.К, Каноква Ш.З.....	47
9	Magnitlangan kristallarda magnitoptik faradey effekti Jurayeva N.I.....	50
10	Оценивание плотности вероятности с использованием ортонормированных функций Абдушукуров А.А, Абдулвохидов А.Л	54
11	Спектральная задача для уравнения четвертого порядка Жамалов Б.И	59
12	Об одном классе обыкновенных дифференциальных уравнений четвертого порядка в полных дифференциалах. ii. Турсунова Э.Ғ, Икрамова Н.С.....	62
13	Qattiq disklar modeli uchun davriy gibbs o`lchovlari Umirzaqova K.O, O`ktamaliyev I.Q	68
14	Каррала характеристикага эга бўлган бешинчи тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенглама учун чегаравий масала Юлбарсов Х.А.....	74
15	Талабчан олим ва мураббий Расулов Худойберди Сотиволдиевични хотирлаб ...(1960-2020)	78
16	Определение скалярного параметра гирации и ориентации оптической оси в оптически активных кристаллах Улуханов И.Т	81

17	Талабаларда креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш Рахимов М. С, Эшболтаев И. М, Абдулазизов Б.Т.....	84
КИМЁ ФАНЛАРИ		
02.00.00 ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ		
CHEMICAL SCIENCES		
18	Изучение синтеза этаноламинов из оксида этилена и аммиака Эшмуратов Б.Б, Джалилов А.Т, Каримов М.У	90
19	Mahalliy xom-ashyolar asosida yangi samarali polimer membranalar sintezi Eshkurbonova F.B, Turaev X.X, Xolmurodova SA, Toirova G X, Eshkurbonova M.B.....	96
20	Маҳаллий хомашёлар асосида металл тутган олигомер антипирен синтез қилиш ва хоссаларини ўрганиш Нуркулов Э.Н, Бекназаров Ҳ.С, Джалилов А.Т.....	100
21	Влияние модифицированных минеральных добавок на прочностные свойства цементов Пиримов Т.Ж, Мухамедбаева М.А, Мухамедбаев А.А, Намазов Ш С Сейтназаров А.Р.....	103
22	Разработка и валидация спектрофотометрической методики анализа фрамицетина сульфата в лекарственном средстве Сманова З.А, Гаппаров Д.Д, Исакулов Ф.Б.....	110
23	Физико-химические исследования процесса получения оксида магния на основе переработки смешанных солей озера караумбет Тожиев Р.Р, Мирзакулов Х.Ч.....	119
24	Мис фталоцианин пигменти синтези ва унинг иқ-спектерининг таҳлилини ўрганиш. Файзиев Ж.Б, Бекназаров Ҳ.С, Джалилов А.Т.....	125
25	Кўп босқичли роторли диски курилмада якуний дистиляциялаш жараёнини математик моделлаштириш Ҳамдамов А.М, Игамбердиева Д А	129
26	Изменение фазового распределения содержания токсичных металлов в речных водах в зависимости от гидрологического режима Тиллаев Х.Р, Тураев Х.Х, Эшкурбонов Ф.Б.....	135
БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ		
03.00.00 БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ		
BIOLOGICAL SCIENCES		
27	Влияние ультрафиолетовых лучей и электромагнитного излучения на рост, развитие и продуктивность сортов сои Сафаров К.С., Солиева Д.В., Сафаров А.К., Шадманов Р.К.....	140
28	Фарғона адир ҳудудидаги иссиқхона шароитида ўсимликларнинг илдиз бўртма нематодалари билан зарарланишини ўрганиш Тўхтасинов Ф.Р, Жуманиёзова Д.К, Мирзалиева Г.Р, Эшова Х.С.....	148
29	Samarqand viloyati yopiq suv havzalari baliqlarning tabiiy ozuqa manbalari	154

	Ashrapov A.A, Rasaxanova Y.Z, Toshpo`latov Y.Sh.....	
30	<i>Scutellaria comosa</i> juz. (<i>lamiaceae</i>) турининг ўзбекистон ботаник-географик районларда тарқалиши Ақбарова М, Х, Батошов А.Р, Пулатов С О, Хошимов Х.Р, Юсупова З.А, Набижонова Г.Ф, Собитов О.Т.....	159
31	Ковул (<i>sarparis spinosa</i> l) муҳим серасал ўсимлик Ҳамидов Ғ.Ҳ, Холиқулов М.Р.....	166
32	Помидор етиштиришда минерал ўғитлар меъёри ва унга қўйилган талаблар Нормуратов О.У, Зокиров Х.Х Қурбонов Ф.Ч	170
33	Онтогенезда органлардан митохондрияларни ажратиш олиш ва улардаги физиологик-биокимёвий ўзгаришларни аниқлаш методлари Мирзаолимов М.М., Мирзаолимов Э.И., Абдуллаев Ғ.Р, Ахмеров Р.Н., Мухтаров А.А., Абдуллаев Ш.С., Фуломов И.А.....	175
34	Термиз шароитида ўстириляётган элма заъфарон (<i>crocus sativus</i> l.) нинг айрим биоэкологик хусусиятлари Джумаев Х.Қ, Назаралиева М.П, Халмуратов М.А.....	180
35	Фарғона водийси тош-шағалли оч тусли бўз тупроқлари шароитида <i>sarparis spinosa</i> l. нинг ценопопуляцияси ва биогеокимёвий хусусиятлари Исағалиев М, Махмудов В, Обидов М.....	184
36	Первая находка <i>helix buchi</i> в центральной азии Пазилов А, Махмуджонов З М, Умаров Ф.У.....	192
37	Доривор маврак (<i>salvia officinalis</i> l.) уруғқўчатларининг хом-ашёси ва ҳосилдорлигига минерал ўғитларнинг таъсири Улуғова С.Ф, Рузметов У И, Хаитов Ж.Т.....	197
38	Сурхондарё вилоятининг жанубий туманлари шароитида учровчи парранда гельминтлари Тангиров Х.Т, Файзиева Д.Б.....	201
39	Фарғона водийси чўл минтақаси қуруқлик моллюскаларининг тарқалиши ва популяциядаги зичлиги Эгамбердиев М.Х.....	206
40	О'zbekiston sharoitida ovulyatsiya qilingan karp tuxumlari o`lchamlarining xilma-xilligi Ergashev X.B, Ashrapov A A, Kamilov B.G.....	211
41	Қашқадарё вилоятининг айрим сув ҳавзаларидаги микросувўтлар Қўзибоев Х.Н, Шерқулова Ж.П, Холмурадова Т.Н, Шукуров О. Н, Мамашаева Ш. Р.....	214
42	Минерал ўғитлар меъёрларини тупроқдаги азот динамикасига таъсири. Судаймоно И.Ж. , Жўраев А.А.....	219

TECHNICAL SCIENCES

43	Image processing and identification of objects in vision systems Khayrullaev A.....	226
44	Front page dasturi - web-sahifa va e-darslik yaratuvchi dastur. Yunusova G,N.....	230
45	Современные глобальные экологические проблемы. Умаров К.М, Ахмаджонов А.У.....	233

08.00.00
ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ
ECONOMIC SCIENCES

46	Мева ва сабзавотчиликда агрокластерларни ташкил этиш самарадорлиги Тажибаев К.....	239
47	Қишлоқ хўжалиги кичик бизнес субъектларида маркетинг фаолиятини ташкил этиш Сирожиддинов К Тажибаев,К	243

09.00.00
ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

48	Бадоиъ-ус саноиъ” да илм масалалари ёритилиши Чубоева О.....	249
49	Ўзбекистоннинг марказий осие давлатлари билан таълим соҳасидаги ўзаро алоқалари Қамбаров А.....	254
50	Ёшларда ижтимоий фаолликни оширишнинг назарий асослари Холмирзаев Н.Н.....	261
51	Инновацион маданий алоқалар ижтимоий ривожланишнинг муҳим омили Иминов Б.Б.....	264
52	Оила мустақамлигини сақлашда илм ва ахлоқ масаласи уйғунлиги Миракбарова Д.М.....	270
53	Оммавий ахборот воситалари ва инновацион тафаккур (Ижтимоий таҳлил) Турсунова Ш.Б.....	275
54	Человечество и толерантность как духовный единства жизни молодеж Юлдашев Ф.А.....	279

10.00.00
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

55	Типология комедийного мирообраза в творчестве н.в. гоголя Чжэн Е.В, Султанова Д.Т.....	286
56	Vuxoro tuman toponimiyasining lisoniy-etimologik tasnifi Adizova N.B.....	291

57	Таржимада радиф санъати қайта яратиш Абдуллажанов А, Мамадалиев Э	294
58	Неъмат Аминов ижодида ўзбек ҳажвчилиги анъаналари Ризаев Б.Х	299
59	Лингвокультурологическое содержание паремиологических единиц в русском и английском языках Саидова М.Ш.....	306
60	Boysun shevasi leksikasida fitonimlar yuzasidan qisqacha qaydlar Xolova M.A.....	311
61	Научно-теоретические основы использования дидактических игр и занимательных упражнений в общеобразовательной средней школе Буранова Н.Ш	319
62	Билишнинг метафорик ҳамда эмпирик усуллари ҳақида Махмараимова Ш.Т.....	322
63	Nemis va o'zbek tillaridagi hayvon nomlari bilan bog'liq frazeologik birliklar tahlili Ubaydullayev Sh.N, Abdug'aniyev F.F.....	328
64	Немис ва ўзбек тилларидаги рангларни ифодалаган фразеологик бирликларнинг қиёсий таҳлили Мансурова К.Х, Эргашев Я	332
65	Ўзбек тилидаги айрим педагогик терминларнинг лексик-семантик таҳлили Хусанхўжаев О.М	336
66	Развитие навыка употребления фразеологизмов в речи учащихся Мамадалиева С.Ш.....	340
67	Ёзма нутқни ривожлантиришда акт ўрни Собирова М.Ю.....	346
68	Инглиз тили лексикасини ўқитишда ўқувчилар тил тажрибасини ҳисобга олиш тамойили Ботирова З.Х	352
69	Бадий насрда метафора Умурқулов Б	355
70	Синонимларнинг лингвопоэтик имкониятлари Шукуров А.А.....	361
71	Как живёт русский язык в социальных сетях, словарь компьютерных слов при общении современной молодёжи. Дедаханова М.М.....	367
72	Termin va uning o'ziga xos lisoniy xususiyatlari Ashurov B.Sh.....	376
73	Ўзбек тилида касб-хунар номларининг аффиксал деривацияси Муҳаммадалиева М.....	380
74	“Алпомиш” достонидаги этнонимларнинг этнолингвистик ва лингвокультурологик таҳлили Юнусова Б.....	387
75	Ижодкор ва санъаткор ўзбек аёллари тахаллусларининг лисоний таҳлили	

Низомова.Ш	394
76 Ўзбек тили тилшунослик атамалари тизимида метафора ва унинг амали ҳақида Эрматов И.Р	398
77 Ўзбек тилида дейксис функционал-семантик майдони талқини Давлатова Р.Ҳ	405
78 Ўзбек тилшунослигида тиббий терминологиянинг тараққиёт тенденциялари Қосимова Ф.Х	410
79 Лексиқада абстрактлашиш принциплари Ҳакимова М.К	415

13.00.00

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

80 Талабаларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантиришда интерфаол таълим технологияларидан фойдаланиш Қамбаров М.М.	422
81 It- технологиялари ёрдамида академик лицейининг ўзбек гуруҳларида рус тилида орфографик компетенцияни шакллантириш методикаси Абдуллаева С	427
82 Бошланғич синф она тили дарсларида алгоритмик машқлар орқали ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш усуллари Тўрабоева М	433
83 Педагогическое наследие и вклад мыслителей востока и центральной азии в развитии творческой способности личности Мухитдинова Ж.Р, Хайитмирзаева М.М	437
84 Yosh til o'rganuvchilarga xorijiy til o'rgatishdagi ayrim masalalar Abdullayeva N.	441
85 Milliy musiqa terminlarning leksikografik tahlili Arifova G.T.	445
86 Ўрта умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларда инглиз тили талаффузини ўргатиш хусусиятлари Ermirzayev A.V.	450
87 Педагогнинг креативлик потенциали –таълим-тарбия сифатини таъминлаш омили Рахромова Д.С	454
88 Электрон таълим ресурсларининг педагогик имкониятларидан самарали фойдаланиш Давронова Ш.Ф	457
89 Chizmachilik darslarining dolzarbligi Jumanazarova G, Ergshev.X	465
90 O'zbekiston yoshlari ongini mafkuraviy taxdidlardan himoya qilishda pedagogika fanining ahamiyati Husaynov M, Abdug'apponova L	470

91	Недостаток жира и его влияние на организм человека Муллабаева М.С, Азимова.Г.К	474
92	Бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлашда мультимедиа технологияси ва воситаларнинг ўрни ва имкониятлари Ҳамидов О.А	480
93	Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш тизими Асқарова М.А	486
94	О`smirlarni o`zlikni anglash va o`z-o`zini boshqarishga o`rgatishning pedagogik omillari Bekmuratova D, Bekmuratova N	490
95	Оила ва мактаб ҳамкорлигини таъминлашнинг интегратив модели Иноқов Қ.Қ.....	497
96	Алгоритмлар назарияси фанини дастурий -методик мажмуа воситасида ўқитиш Нормуродов Ч.Б, Бабаходжаева Н.....	504
97	Постмодернизм таълимотида моде \ рн инсоннинг айрим жиҳатлари Олимова М	511
98	Таълимнинг узвийлиги ва уни такомиллаштиришнинг айрим масалалари Аширбоев С	517
99	Корейс тилининг иккинчи чет тили сифатидаги аҳамияти: наманган давлат университети тажрибаси мисолида Лутфуллаев П.М	522

19.00.00

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PSYCHOLOGICAL SCIENCES**

100	Iqtidorli o`quvchilarni tanlashning psixologik usullari Ma`murova F.T, Abdullayeva N.X.....	527
-----	--	-----